



**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

Файзибоев Пирмамат Нормаматович

*Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси мудири т.ф.д. доцент*

Нормаматова Шоҳсанам Жаҳонгир қизи

*Тошкент давлат аграр университети
талаабаси*

Карабаев Азамат Худойбердиевич

*Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси магистри*

Миртозаев Ислом Рўзимурот ўғли

*Самарқанд давлат тиббиёт университети
Гигиена кафедраси магистри*

Аннотация: По данным специалистов в области перевозки плодо-овощной перевозки при перевозках скоропортящихся грузов железнодорожным транспортом убытки, связанные с несохранными перевозками большая часть приходится на долю свежих плодоовощей и фруктов. Одновременно с этим изменилось и влияние отдельных факторов на увеличение убытков от несохраненных перевозок.

Ключевые слова: Овощная и фруктовая продукция, биологическая ценность, загрязняющие вещества.

Annotation: According to experts in the field of transportation of fruits and vegetables, when transporting perishable goods by rail, losses associated with unsafe transportation account for the majority of fresh fruits and vegetables. At the same time, the influence of certain factors on the increase in losses from unsafe transportation has also changed.

Key words: Vegetable and fruit products, biological value, pollutants.

Annotatsiya: Meva va sabzavotlarni tashish sohasidagi mutaxassislarining fikriga ko'ra, tez buziladigan yuklarni temir yo'l orqali tashishda xavfsiz tashish bilan bog'liq yo'qotishlar yangi meva va sabzavotlarning asosiy qismini tashkil qiladi. Shu bilan birga, xavfli tashishdan ko'rilgan yo'qotishlarning oshishiga ma'lum omillarning ta'siri ham o'zgardi.

Kalit so'zlar: Сабзавот ва полиз маҳсулотлари, биологик қиймати, контаминация.

Мавзунинг долзарблиги. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини экспорт қилишда темир йўл транспорти орқали етказишнинг тутган ўрни ва аҳамияти, етиштириш жараёнларини гигиеник баҳолаш, ҳамда овқат инфекциялари ва касалликлари гуруҳига оид аҳамияти ва роли, мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқишидаги ўзига хослилик, мазкур муаммо бўйича илмий изланишларнинг йўқлигини назарда тутиб, Ўзбекистондаги сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва ташишда нозик нуқталарни



назорат қилиш учун биринчи навбатда бу назорат тизимини ишлаб чиқиш ва уни қўллаш лозим деб ҳисобладик. Бу долзарб халқ хўжалигига оид вазифаларни бажаришда халқаро меъёрларга мос келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хавфсизлик мезонларини ўрнатиш; маҳсулотларни сақлаш ва ташиш жараёнидаги йўқотишиларни пасайтириш ва уларнинг озуқавий ва биологик қийматларини сақлаш бўйича изланишларни олиб боришининг аҳамияти каттадир.

Максад: Сабзавот ва полиз маҳсулотларининг юқори даражадаги озуқавий, биологик қиймати ва хавфсизлигини таъминлашда тахлика берувчи омилларини ўрганиш, сақланиш муддатлари ва ташилишига боғлик ҳолда сабзавот ва полиз маҳсулотларининг биологик қийматлилигини ўрганиш ва гигиеник мезонларини белгилаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинаётган барча гигиеник қоидалар ва меъёрларда, илмий манбаларда сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш учун идишлар, уларни жойлаш ва ташиш воситалари ва усулларини ишлаб чиқишига доир техникавий масалаларга бағишлиланган мамлакатимиз ва хориж давлатларида ўтказилган кўп сонли текшириш маълумотлари мавжуд.

Инсонлар қунлик овқат таомномасида сабзавот ва полиз маҳсулотларининг истеъмол микдори анчагина юқори эканлигини ҳисобга олсак, улар таркибида бўлиши мумкин бўлган заҳарли элементлар маҳсулотнинг кимёвий таркибини ўзgartириши ва ахолининг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Аниқланишича, қўрғошин, қалай, маргимуш, рух, нитратлар каби бегона моддалар одамнинг хўжалик фаолиятига сезиларли ўзгартиришларни киритиши, гоҳида геоки-мёвий айланишда ўзининг самараси бўйича айрим ўсимликларда тўпланиш хусусиятини намоён қиласи.

Аниқланишича, сабзавотлар қанчалик яхши пишиб етилса, улар таркибида нитратлар микдори шунчалик камайиб боради. Масалан, пишиб етилмаган гармдоридаги нитратлар микдори 210-230 мг/кг бўлса, пишиб етилгандан сўнг 23-40 мг/кг ни ташкил қиласи. Биз қишлоқ хўжалигида етиштириладиган маҳсулотларининг биологик ва озуқавий хусусиятларининг қиёсий таҳлили учун уларнинг етиштириш шароитларига боғлик ҳолда ер майдонларини гурӯхларга ажратилган ҳолда иш олиб борилди.

А вариант бевосита экиш вақтида аралаш минерал ўғитларидан фосфат ва карбамид ишлатилган майдон;



В вариант – пахтадан кейин экинни түлиқ етиштириш давомида 68-76 т/га органик ўғит (гүнг) солинган майдон; С вариант – умумий қабул қилинган технология бўйича комбинациялаштирилган 50-55% минерал фосфат, карбамид ва 50-55% 10 т/га гүнг солинган майдон. Тажрибада экишдан олдин ва сифатини текшириш учун олинган ҳар бир тупроқ синамаси ва сугориш учун мўлжалланган сув таркибида нит-ратлар, оғир металл тузлари ва маргимушнинг фонга оид кўрсаткичлари текширишдан ўtkазилди. Экишдан олдин нитратларнинг энг юқори концентрацияси учинчи вариантдаги майдонларда юқори эканлиги аниқланди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш динамикасида тупроқда нитратларнинг тўпланиши ёки уларнинг камайиши алмашлаб экиш турига ва қўлланилган агро технология турларига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди. Экин майдонлари тупроғидаги оғир металл тузлари ва маргимушнинг меъёрга нисбатан кўрсаткичлари (мисдан ташқари) кузатувдаги III - мин-тақада I - ва II - минтақаларга қараганда 45-50% га юқори. Уларнинг энг кам миқдори II-чи минтақадаги текшириш майдонларида аниқланди. Бизга маълум бўлган чет эл маълумотларининг кўрсатишича, тупроқ ва сугориш учун ишлатиладиган сувларда оғир металл тузларининг миқдори катта диапозонларда тебранади ва у асосан географик жойнинг геокимёвий хусусиятлари ва саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқдир.

Текшириш натижаларининг кўрсатишича, тупроқдаги нитратлар, оғир металл тузлари ва маргимуш миқдори қурғоқчилик давридада ортиб борганлиги маълум бўлди. Тупроқнинг текширилган контаминаллар бўйича энг юқори миқдори С-вариант майдонларида эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш давомида тупроқдаги нитратлар, оғир металл тузлари ва маргимуш миқдорининг кўрсаткичлари

Нитратлар мг/кг	Кўрғошин мг/кг	Кадмий, мг/кг	Маргимуш, мг/кг
I – кузатиш минтақаси			
22,0±1,6	0,1±0,03	0,05±0,003	0,03±0,001
16,7±1,1	0,05±0,004	0,04±0,002**	0,02±0,001***
15,0	40,0	20,0	33,0
II - кузатиш минтақаси			
19,8±1,1	0,1±0,01	0,05±0,003	0,03±0,003



15,7±1,1	0,05±0,01**	0,04±0,004*	0,02±0,003*
14,0	50,0	20,0	33,0
III - кузатиши минтақаси			
29,3±2,3 ^{^o}	0,2±0,03 ^{^oo}	0,06±0,004 [^]	0,04±0,003 ^{^^o}
14,8±1,0*** ^{^^}	0,1±0,02 ^{**o}	0,06±0,004 ^{^^}	0,03±0,003 ^{*^^o}
54,0	52,0	0	26,0

Экин майдонларидан контаминалар билан энг юқори ифлосланган майдонлар барча минтақалар бүйича С вариант майдонлари, яғни, умумий қабул қилинген технология бүйича, пахтасиз комбинациялаштирилген ўғитлашда 50-55% минерал (фосфат+карбамид) ва 50-55% 10 т/га гүнг солинган экин майдонлари эканлиги аникланди, контаминалар орасида қурғоқчилик йилида энг юқори түпленган моддалар қўрғошин ва маргимуш бўлди. Тупроқдаги қўрғошин микдори қурғоқчилик йилида ўртача 52%, маргимуш эса 17-40% га кўп аникланди. Бунда нитрат микдорининг кўпайиши комбинациялашган ўғитлар солинган майдонларда мувофиқ равиша 40 – 38% ташкил қилди. Тажриба давомида пахтадан кейин қишлоқ хўжалик экинларининг алмашлаб экилиши, тўлиқ цикл давомида 70-80 т/га органик ўғит (гүнг) солинганда нитратлар, қўрғошин ва маргимуш микдорлари ишончли тарзда камлиги аникланди.

Хуроса қилиб шуни айтиш мумкинки экин майдонлари тупроғидаги оғир металл тузлари ва маргимушнинг меъёрга нисбатан кўрсаткичлари (мисдан ташқари) кузатувдаги III – мин-тақада I - ва II - минтақаларга қараганда 40-50% га юқори. Уларнинг энг кам микдори II - минтақадаги текшириш майдонларида аникланди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасининг кўрсатишича, комбинациялаштирилген ўғитлар билан ишлов берилган III - майдондаги тупроқ таркибида нитратлар ва оғир металл тузларининг энг юқори концентрацияси борлиги аникланади.

Адабиётлар:

1. Normamatovich F. P. The value of confectionery products in human nutrition // Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022.- T.3. - №. 4. – C.703-707.
2. Normamatovich F. P., Jurakulova R. D. The importance of the international hasp sistem in the production of quality and safe confectionery products // ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. - №. 10. – С. 1184-1186.



3. П.Н Файзибоев. JUSTIFICATION OF THE USE OF THE INTERNATIONAL SYSTEM OF HACCP FOR THE PREVENTION OF BACTERIAL CONTAMINATION OF CONFECTIONERY // Новый день в медицине. –2019. –No. 2. –C. 310-312.
4. Fayziboev Pirmamat Normamatovich1, Tukhtarov Bahrom Eshnazarovich 2 The biological diversity of the diet of children with dental caries MGA EUROPEAN JOURNAL OF MOLECULAR CLINICAL MEDICINE, p.3772-3785
5. Normamatovich F.P. et al. RATIONALE FOR THE APPLICATION OF THE HACCP SYSTEM IN THE PRODUCTION OF FUNCTIONAL FOOD PRODUCTS //European Journal of Molecular & Clinical Medicine. – 2021. – T.3. – C.1535-1539.
6. Tukhtarov B. E. Abdumuminova R. ENVIRONMENTALLY FRIENDLY PRODUCT IS A PLEDGE OF OUR HEALTH! NBRSGGNFPN EUROPEAN JOURNAL OF MOLECULAR CLINICAL MEDICINE 2020 (07), 1329-1333
7. Normamatovich F. P., Sagatbaevich K.A., Chorshanbievich K.N. A PLACE IN THE NUTRITION OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN FROM NATIONAL CONFECTIONERY, “NAVAT” // World Bulletin of Public Health. - 2022. – T. 10. – C. 79-80.
8. Fayziboev, P.N. Justification of the use of the international system of HACCP for the prevention of bacterial contamination of confectionery / P.N. Fayziboev//New Day in Medicine. - 2019. – No. (26). – END GPRXUM.
9. Нематова Н. Ў., Файзибоев П. Н. Парентерал вирусли гепатитлар В, Сва ОИВ-инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари //Замонавий инфектология: юқумлийчак, вирусли ва паразитар касалликларни даволашга замонавий ёндашув, Тошкент. –2016. –Т. 157.4
- 10.Файзибоев П. Н. ОЦЕНКА БИОЛОГИЧЕСКОГО РАЗНООБРАЗИЯ РАЦИОНОВ ПИТАНИЯ ДЛЯ ДЕТЕЙ //Экономика и социум. –2021. –No. 10 (89). –С. 1131-1146.
- 11.Файзибаев П. Н., Сатаров А. А. Гигиеническая оценка плодовоощной продукции выращенных в условиях маловодья //Врач-аспирант. –2009. –Т. 37. –No. 10. –С. 893-897.
- 12.Особенности эпидемиологии и профилактики бруцеллеза в Республике Узбекистан / М.Ф. Абдукахарова, П. Н. Файзибоев, Н. С. Сайдкасимова [и др.] // Инфекция и иммунитет. – 2017. - № S. – С. 391- EDN XVJTBJ.
13. О распространенности заболеваемости туберкулезом в Республике Каракалпакстан / А.Ю.Мустанов, М.Ф. Абдукахарова, П. Н. Файзибоев [и др.] // Инфекция и иммунитет. – 2017. - № S. – С. 841- EDN XVJTBJ.